Published on *insonvaqonun.uz* (http://insonvaqonun.uz)



14.08.2019



Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан мурожаатларни жойига чиққан ҳолда, сайёр қабуллар орқали қабул қилиш амалиёти кенг йўлга қўйилган.

Жумладан, ўтган даврда сайёр қабулларда 1301 та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 852 таси қаноатлантирилди.

Жорий йилнинг 6-8 август кунлари жойларда аҳолини қийнаб келаётган ҳамда кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни тезкор ҳал этиш мақсадида Адлия вазири ўринбосари Худоёр Мелиевнинг Тошкент вилоятининг Бекобод, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ туманларида сайёр қабуллари бўлиб ўтди.

Сайёр қабулларда 450 га яқин фуқаро иштирок этиб, улардан жами 275 та мурожаат келиб тушди.

Келиб тушган мурожаатларнинг 145 таси шу қабул кунининг ўзида қаноатлантирилди.

Шунингдек, қабуллар жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

Хусусан, “Ижтимоий ҳимоя” нодавлат нотижорат ташкилоти маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 15 нафар шахсга ногиронлик аравачаси, 12 нафар фуқарога эшитиш мосламаси, 4 нафар фуқарога тикув машинаси, 3 нафар фуқарога икки миллион сўмдан моддий ёрдам пули ажратилди.

Бундан ташқари, 30 нафар фуқарога касаллиги бўйича тиббиёт муассасаларида имтиёзли асосларда даволаниш учун ордер, 15 нафарига республиканинг турли сиҳатгоҳида муолажа олиш учун йўлланма берилиб, 38 нафар шахснинг касби ва мутахассислиги бўйича ташкилот ва корхоналарга ишга жойлашиши юзасидан тегишли буйруқлар қабул қилинди.

Шулар билан бирга 43 нафар фуқаронинг ўзбошимчалик билан қурилган имормати тегишли

комиссиялар томонидан кўриб чиқилган бўлишига қарамай, туман ҳокимининг қарори йўқ эди. Шу куннинг ўзида туман ҳокимларининг тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича қарорлари чиқарилди.

Қабуллар жараёнида бир гуруҳ фуқароларнинг қурилган уй-жойи бузилганлигидан норозилиги ҳамда товон пули масаласи ҳал этилмай келинаётганлиги хусусидаги мурожаати Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармаси масъуллари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Уч кун мобайнида ўтказилган сайёр қабулларда келиб тушган 129 та мурожаатнинг қўшимча ўрганилишига келишилиши муносабати билан тегишли масъуллар бириктирилиб, мурожаатлар ижроси назоратга олинди.

***Адлия вазирлиги***

***Жамоатчилик билан алоқалар бўлими***

103 Чоп этиш [1] PDF [2]

## Сўнгги янгиликлар:

- Пармонович пенсияга чиқмоқчи “Пармонов” эса халал бермоқда (2019 йил, 36 сон) [3]
- Судьялар олий мактаби. Мамлакатимиз суд тизимида яна бир тарихий воқеа (2019 йил, 36 сон) [4]
- Уй ҳайвонларига паспорт нимага керак? (2019 йил, 36 сон) [5]
- Коррупция — тараққиётга таҳдид (2019 йил, 36 сон) [6]
- Обуна — 2020 адлия идоралари биз билан! (2019 йил, 36 сон) [7]
- Адлиядан янги ташаббус: энди ҳуқуқий мададга муҳтож бўлмайсиз. Чунки... (2019 йил, 36 сон) [8]
- Дунёга машҳур ёзувчилар аслида ким бўлган? (2019 йил, 34-35 сон) [9]
- Бузилган бино учун компенсация пули тўлаб берилди (2019 йил, 34-35 сон) [10]
- Туғилганлик гувоҳномаси бор фарзандга яна гувоҳнома сўралди (2019 йил, 34-35 сон) [11]
- Тинчлик ва ишонч тўшалган йўллар Ўзбекистонга чорлайди! (2019 йил, 34-35 сон) [12]

---

**Source URL:** http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4971

**Ссылки**
[1] http://insonvaqonun.uz/print/4971
[2] http://insonvaqonun.uz/printpdf/4971
[3] http://insonvaqonun.uz/node/5026
[4] http://insonvaqonun.uz/node/5024
[5] http://insonvaqonun.uz/node/5023
[6] http://insonvaqonun.uz/node/5021
[7] http://insonvaqonun.uz/node/5020
[8] http://insonvaqonun.uz/node/5019
[9] http://insonvaqonun.uz/node/5015
[10] http://insonvaqonun.uz/node/5013
[11] http://insonvaqonun.uz/node/5012
[12] http://insonvaqonun.uz/node/5011